

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.2016.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒАИПОВА ХУЛҚАР ҚЎЗИБАЕВНА**

**МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМНИНГ БАДИИЙ ВА  
ПУБЛИЦИСТИК МАҲОРАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УЎК: 821.512.133(092)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Гаипова Хулкар Қўзибаевна**

Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ва публицистик

маҳорати ..... 3

**Гаипова Хулкар Қўзибаевна**

Художественное и публицистическое мастерство Матназара

Абдулҳакима..... 25

**G'aipova Hulkar Qozibayevna**

Artistic and publicistik proficiency of Matnazar Abdulhakim..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 53**

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.2016.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒАИПОВА ХУЛКАР ҚЎЗИБАЕВНА**

**МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМНИНГ БАДИИЙ ВА  
ПУБЛИЦИСТИК МАҲОРАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/Fil258 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб саҳифасининг ([www.tai.uz](http://www.tai.uz) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаев Ҳамдам Жуманиёзович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ҳаққулов Иброҳим Чориевич**  
филология фанлари доктори

**Жабборов Нурбой Абдулҳакимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот** **Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.2016.Fil.46.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: 71-233-36-50; Fax: 71-233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: 71-262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, академик

**Р.Баракаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Н.Ф.Каримов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида муайян даврга хос теран бадиий тафаккур дурдоналарини муайян илмий-эстетик мезонлар асосида англаш, англатиш ва таҳлил қилиш алоҳида ўрин тутиб, ушбу жараёнда бадиий ижоднинг ижтимоий-эстетик моҳияти замон ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини ифодаловчи имкониятлар тарзида тобора ёрқин намоён бўла боради. Шу жиҳатдан ҳозирги бадиий тафаккур етакчи намоёндаларининг турли жанрлардаги асарларини дунё адабиётшунослигида кенг тарқалган герменевтика, матн таҳлили, қиёсий-типологик услуб, фалсафий-ҳиссий ёндашув орқали тадқиқ этиш муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришга имкон яратади.

Дунё адабиётшунослигида адиблар ижодида турфа жанрларга оид ранг-баранг асарлар яратилиши, уларнинг ижодкор адабий мероси мундарижасини кенгайтиришдаги ўрни, муштарак ва индивидуал синтезнинг ролига алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, поэтик ва публицистик қарашлар уйғунлашган асарлар ҳар бир жанрга хос белгилари ва муаллифнинг воқеликни фалсафий-эстетик кашф этиши нуқтаи назаридан ижодкорнинг поэтик ва публицистик маҳорати масалалари, уларнинг етакчи хусусиятлари, ўзаро муносабати ва истеъдод қирраларини белгилашда ўзига хос мавқе касб этади.

Ўзбек адабиётида мустақиллик шарофати ва имкониятлари туфайли ҳозирги кунда миллий адабиётнинг ғоявий-бадиий мундарижаси ва барча жанрларида қарор топган такомиллашиш, теранлашиш ҳодисаси тобора кенгайиб, кучайиб бормоқда. Бу хусусиятлар XX аср охири – XXI аср бошларига мансуб кўплаб ижодкорлар мероси учун характерлидир. Шоир, публицист ва таржимон сифатида танилган Матназар Абдулҳаким (1948–2010) ҳам шулардан бири эди. Бу серқирра истеъдод соҳибининг ижодий йўли истиқлол арафаси ва мустақиллик даври бадиий тафаккури тадрижи, илк босқичлари ва етакчи жиҳатларини том маънода ўзида акс эттириши билан эътиборга моликдир. Унинг изланишларида яққол намоён бўлган 80-йиллар бошида ягона метод қолипларини ёриб чиқиш, ҳаёт ҳақиқатини теран англаш ва ҳақ гапни айтишга мойиллик эркин ижод қилиш ва мустақил фикрлашга кенг йўл очилган истиқлол даврига келиб муҳим тамойилга айланди ва янги давр кишиси маънавий камолотини таъминлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намоёндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз”<sup>1</sup>, – дер экан, ушбу сўзлар тўлалигича қалам аҳлига ҳам дахлдордир.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017. – 4 август.

тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика Фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон ва рус адабиётшунослигида ижодкорнинг поэтик ва публицистик маҳорати масалалари, уларнинг етакчи хусусиятлари, ўзаро муносабати ва истеъдод қирраларини белгилашдаги ўрни О.Уоррен, Р.Уоллек, Ю.Борев, М.Бахтин, М.Храпченко, Е.В.Журбина, М.С.Черепанов, Л.Г.Кайда каби олимларнинг илмий асарларида ўрганилган<sup>2</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳассос шоир, ҳозиржавоб публицист, моҳир таржимон сифатида ўз ўрнига эга бўлган Матназар Абдулҳаким ижодига қизиқиш кейинги ўн йилликда бирмунча кучайиб, бир қатор тадқиқотларда унинг номи истеъдодли ижодкорлар қаторида қайд этилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг М.Абдулҳаким ижоди, хусусан, шеърятига оид куйидаги фикрлари бу жиҳатдан, айниқса, ибратлидир: “Матназар Абдулҳакимнинг “Сайланма” шеърлар китобини ўқиб чиққач, унинг поэзияси ҳақида нимадир ёзгим келди. Бироқ кўз олдимда Матназарнинг донишманд нигоҳи турар, нимаики ёзсанг ҳам унга муносиб бўлмоғи шартдек кўринар эди. Матназар Абдулҳаким

<sup>2</sup> Уоррен О, Уэллек Р. Теория литературы, – М.: Прогресс, 1987. – 325 с.; Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. – М.: Наследие, 2002. – 624 с.; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М.: Художественная литература, 1975. – 502 с.; Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развития литературы. – М.: Мысль, 1969. – 399 с.; Черепанов М. Теория мастерства публициста. – М.: Мысль, 1984. – 150 с.; Кайда Л. Композиционная поэтика публицистики. – М.: Наука, 2006. – 144 с.

<sup>3</sup> Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Тошкент: Фан, 2007. – 260 б.; Ўша муаллиф. Истиклол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – 328 б.; Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърятини. – Тошкент: Адиб, 2012. – 304 б.; Жабборов Н. Замон Мезон Шеърят – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 304 б.; Абдуллаев Ҳ. Халқона тафаккур таровати // Шарқ юлдузи. – 2014. – 1-сон. – Б. 139–141; Абдуллаев Ҳ., Ғаипова Ҳ. Фикрдошлар хайрати // Шарқ юлдузи. – 2016. – 5-сон. – Б. 116–119; Абдуллаев Ҳ. Шеърда вақт фалсафасининг талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2017. – 6-сон. – Б. 47–50; Ўша муаллиф. Мангуликка мухтасар назар. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2018. – 60 б.; Матназар Абдулҳакимни эслаб. Мақолалар. Хотиралар. – Тошкент: LESSON PRESS, 2016. – 239 б.

бутун вужуди, борлиғи истеъдод ганжигга тўлиқ инсон эди... у орамиздан кетди, бироқ унинг ижоди ҳақида ёзиш сизу биз тирикларнинг бўйнимизда турибди”<sup>4</sup>.

М.Абдулҳаким вафотидан сал вақт ўтгач ёзилган ушбу даъватга жавобан қатор илмий ишлар майдонга келди. Проф. Ҳ.Абдуллаев “Ойдинлик” ва “Жавзо ташрифи” тўпламлари ҳақида: “теран поэтик нигоҳ, нарса ва ходисаларни эстетик ҳис қилиш, англаш ва кашф этиш, фалсафий мушоҳада, топилма фикр ва тиниқ кечинма уйғунлиги, образли ифода шоир тафаккурининг асосий хусусиятларидир”, – дея умумлашма фикр билдириб, шоир шеърятни туб моҳиятини ҳаққоний баҳолади<sup>5</sup>.

Адабиётшунослардан И.Ёқубов муаллифнинг тасвир ва ифода йўсинидаги ўзига хослигини алоҳида таъкидлаб: “яшил япроқлар – ишқ дарслиги, тўкилган хазонлар – қисмат даракчиси, баҳор – соғинч. У ўзи йўқотган япроқни қўмсагани учун ҳам қайта келаверади”, – деб ёзса<sup>6</sup>, Н.Жуманиёзова номзодлик диссертациясида М. Абдулҳаким тўртликлари ва айрим саккизликлари мисолида шоир халқ донолиги намуналаридан илҳомланар экан, поэтик маъно салмоғини теранлаштиришга интилганини ўринли таъкидлайди<sup>7</sup>.

Шунингдек, Муҳаммад Бобоҳон Шариф, Давлатёр Раҳимлар шоирнинг Ватан ва дўстлик мавзусига янгича ёндашувини кўрсатиш билан бирга Нажмиддин Кубро рубойлари таржимасидаги жузъий қусурларни ҳам қайд этсалар, Б.Раҳимова “Кўприк” достонидаги фольклоризмлар, Ш.Маткаримов М.Абдулҳаким ижодининг умумий йўналиши, Қ.Солаев шоир маърифий қарашлари, Э.Очилов у амалга оширган Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд рубойлари ва Мирзо Абдулқодир Бедил ғазаллари таржимасининг ютуқ ва камчиликлари, И.Исмоилов эса умуман таржимонлик фаолияти хусусида фикр юритадилар<sup>8</sup>.

Албатта, юқоридаги қарашлар М.Абдулҳаким ижодининг баъзи жиҳатларини қисман ёритса-да, уларда шоирдаги поэтик идрок ва индивидуалликнинг оригиналлиги, бадий-фалсафий образлиликнинг ўзига хослиги, шеърини ва публицистик тафаккурдаги ўзаро таъсирнинг самарасини ўрганиш мақсади қўйилмаган. Бу масалаларни ўрганишнинг муҳимлиги ва илмий аҳамияти эса монографик тадқиқотни тақозо қилади.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан**

<sup>4</sup> Орипов А. Теран ижод / Матназар Абдулҳакимни эслаб. – Тошкент: LESSON PRESS, 2016. – Б. 3–4.

<sup>5</sup> Абдуллаев Ҳ. Шеър умри – шоир умри // Шарқ юлдузи. – 2011. – 6-сон. – Б. 135–137.

<sup>6</sup> Ёқубов И. Ёлғиз япроқ – умид япроғи / Бадий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: 2011. – Б. 374.

<sup>7</sup> Жуманиёзова Н. Истиқлол даври ўзбек лирикасида услубий изланишлар: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 146 б.

<sup>8</sup> Раҳимов Д. Шарипов Б. Бедор қалб изтироблари // Сино. – Тошкент: 2008. – 24-сон, – Б. 25–33; Раҳимова Б. “Кўприк” достонида фольклоризмнинг ўрни // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2011. – 1-сон. – Б. 79–80; Маткаримов Ш. Устоз ҳақида сўз. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2013. – 36 б.; Салаев Қ. Тўртинчи муаллим сабоқлари. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2013. – 56 б.; Очилов Э. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 134 б.; Очилов Э. Мирзо Бедил асарлари ўзбек тилида / Бедил ва ўзбек маънавияти. – Техрон–Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 128–141; Очилов Э. Паҳлавон Маҳмуд. – Тошкент: Ўзбекистон, 213. – Б. 101–111; Исмоилов И. Моҳир таржимон / Матназар Абдулҳакимни эслаб. – Тошкент: LESSON PRESS, 2016. – Б.86–190.

**боғлиқлиги.** Тадқиқот Урганч давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси режасининг “Ҳозирги ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари” мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Матназар Абдулҳакимнинг шеърий ва публицистик асарлари таҳлили орқали унинг истиқлол арафаси ва мустақиллик даври ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилаш асосида муайян илмий-назарий хулосалар чиқаришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Матназар Абдулҳаким адабий меросининг мавзу кўламини аниқлаш ва жанрий таркибини таснифлаш;

серқирра истеъдод соҳибининг бадиий ва публицистик маҳоратини унинг ўзига хос тафаккур тарзи ва теран фалсафий қарашлари орқали очиб бериш;

шоир изланиш босқичларининг асосий хусусиятларини муайянлаштириш ва шеъриятининг новаторона характерини белгиловчи ғоявий-бадиий мезонларни ижодкор “мен”и ва унга таъсир қилувчи омиллардан келиб чиқиб белгилаш;

адибнинг воқеликни тасвирлашдаги ўзига хос услуби ва баён тарзини бадиий ва публицистик асарлари таҳлили мисолида кўрсатиш;

шоир ижодида публицистиканинг салмоғини ойдинлаштириш ва унинг қаламига мансуб мақола, эссе (адабий ўй) ва суҳбат жанрлари таҳлили асосида бадиий-эстетик, ижтимоий-маънавий қарашларини ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида муаллифнинг 10 та шеърий китоби, “Мангулик жамоли”, “Иккинчи муаллим сабоқлари”, “Тафаккур чорраҳаларида” публицистик асарлари тўпламлари, икки жилдлик “Танланган асарлар”и ва республика газета-журналларида чоп этилган мақолалари танлаб олинди.

**Тадқиқот предметини** Матназар Абдулҳаким шеърияти ва публицистик асарларининг мавзу кўлами, жанрий таркиби, образлар тизими, бадиий хусусиятлари ҳамда муаллиф эстетик қарашларини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда, асосан, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик ва матн таҳлили методлари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шоир шеърларининг мавзу кўлами, жанрий ранг-баранглиги, образлар олами тадқиқ этилиб, тасвир ва ифодадаги индивидуаллигининг ёрқин ва бетакрорлиги масалалари очиб берилган;

шоир публицистик тафаккурининг истиқлол даври ижтимоий-сиёсий жараёнлари, халқ онги ва руҳиятидаги янгиланишлар, мустақиллик ғояси билан йўғрилганлиги исботланган;

шоирнинг мустақиллик даври ўзбек шеъриятини фалсафий мазмун, ҳикматона оҳанг билан бойитишдаги ўрни асосланган;

бадиий-публицистик мақолаларида мавзу ва ифода тарзининг хилма-хиллиги, улар моҳиятини инсон маънавияти концепцияси белгилаши кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

шоир шеърияти ва публицистикасида ўз ифодасини топган юксак гоялар, инсоний камолот билан боғлиқ қарашлар, шунингдек, дўстлик, эзгулик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, адолат каби умумбашарий қадриятлар одамлар тафаккури, дунёқарашининг бойишида, замондошлар сийратининг янгиланиши ва жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомилида муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

М.Абдулҳаким бадий-публицистик ижодининг тадрижи, адабий муҳит ва бошқа омилларнинг бу борадаги роли аниқланган;

шоирнинг мумтоз сўз санъати анъана ва тажрибаларидан ўрганиши ва илҳомланиши, поэтик образ яратиш, оҳорли ташбеҳу тимсоллар топиш, сўз ва иборалар қўллашдаги маҳорати ёритилган;

адиб публицистикасининг адабиётшунослик, санъат, маънавият сингари соҳалар билан билвосита боғлиқлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда қўйилган муаммо тадқиқига мустақиллик мафкураси талаблари асосида илмий жиҳатдан холислик мезони билан ёндашилган, шеърий ва публицистик асарлар бўйича тегишли методлар орқали хулосалар чиқарилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари тақозо этган янги ёндашувдан фойдаланганлик унинг асосланганлик мавқеини таъминлайди. Хилма-хил шаклдаги асарлар таҳлилларига оид қарашлар якуний фикрларнинг ҳаққоний ва асосли эканини мустаҳкамлайди. Тадқиқот натижалари ва хулосаларининг амалиётга жорий этилгани ва улар мазмунида ҳозирги адабиётшуносликда янгиланаётган илмий тафаккурга суянилгани ва уни қисман бойитгани ҳам ишнинг ишончлилики даражасини кўтаради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари мустақиллик даври ўзбек шеърияти ва публицистикаси масалаларига бағишланган тадқиқотлар яратиш ҳамда бошқа замондош шоирлар ижодини ҳам шу аспектда ўрганиш учун илмий-назарий асос вазифасини ўтайди. Турли мавзу ва жанрдаги асарлар таҳлили асосида чиқарилган умумлашма хулосалар тадқиқот оригиналлигини оширади, бу йўналишдаги кузатишлар доирасини кенгайтиради. Тадқиқот натижаларидан истиклол даври шеърияти ва публицистикасидаги янгича тамойиллар, жанрий ва услубий изланишлар хусусида монографик текширувлар олиб боришда, янги давр ўзбек адабиёти илмий библиографиясини тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида “Ҳозирги адабий жараён”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Ўзбек адабиёти танқиди тарихи” фанларидан дарслик, қўлланмалар яратиш ҳамда ихтисослик фанларидан махсус курс ва танлов машғулотлари ўтказишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Матназар Абдулҳакимнинг бадий ва публицистик маҳорати масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олинган илмий натижалар асосида:

М.Абдулҳаким публицистикаси намуналари, хусусан, эсселарида жанрнинг асосий хусусиятлари – уларнинг илмий тафаккурнинг алоҳида шакли эканлиги бўртиб туриши, ақлий ва ҳиссий фикр синтези ҳамда

композицияга эркин ёндашуви турли эсселарда ифода топгани, тарихий саналар, санъат ва маданиятга дахлдор эсселарда уларнинг мақола, очерк, мемуарлар билан баъзи муштарак жиҳатлари ҳамда поэтик асарлар ва бадий насрга хос унсурларнинг учрашига оид хусусиятлар юзасидан олинган натижалардан Ф1-02 рақамли “Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи” илмий тадқиқотида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 декабрдаги 89-03-4294-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш туфайли мақола, эссе (адабий ўйлар) каби жанрларда шоир истеъдодининг даражаси, ўзига хос ифода услуби, гражданлик позицияси, асосан, маънавий ва инсоний камолот йўлидаги интилишлари, шахс концепцияси муаммоларига оид қарашлари муаллиф “мен”и талқинида ёритилган, хусусан, адабий суҳбат жанри муаллифнинг бадий-эстетик қарашларини чуқурлаштиришга, адабий ўйларнинг баъзи жиҳатларини кенгайтириш, такомиллаштириш, янгича изоҳлар билан бойитишга хизмат қилган;

шоир шеърияти ва публицистикасининг етакчи тамойилларини ўрганишга бағишланган тадқиқот натижаларидан Ф1-ФА-0-43429-рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоқ бўлимининг 2019 йил 18 февралдаги 17-01-22-сон маълумот-номаси). Бу “Ҳозирги қорақалпоқ шеъриятининг жанрий хусусиятлари” қисмини ёзишда шоир ижодида поэтик маъно ва туйғу мутаносиблиги, мумтоз ва замонавий шеърият жанрлари, унинг образ яратиш маҳорати, сўз қўллаш услуби борасидаги талқинлар илмий манба вазифасини ўтаган, ҳамда мавжуд қарашлар қамровини кенгайтиришга хизмат қилган;

илмий натижалар Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг адабий-бадий кўрсатувларида жорий қилиниб, “Янги кун” рукнидаги кўрсатувда иштирок этилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 15 октябрдаги 1687-сон маълумотномаси). Натижада М.Абдулҳаким ижодий меросининг умумий мундарижасини кузатиш асосида муаллифнинг кўпқиррали ижодкор эканлиги, ижодкор изланишларидаги омиллар ва босқичларнинг асосий хусусиятларини очиб бериш орқали, шоирнинг мустақиллик даври ўзбек шеъриятини фалсафий мазмун, ҳикматона оҳанг билан бойитиш ва бадииятини такомиллаштиришдаги ўрни аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуман, жумладан, 3 та республика ва 2 та халқаро конференциядаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 143 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тафсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Матназар Абдулҳаким меросининг ўзбек адабиётидаги ўрни”** деб аталиб, икки фаслдан таркиб топган. Бобнинг **“Матназар Абдулҳаким ижодининг жанрлар таркиби ва мавзу кўлами”** номли биринчи фаслида шоир ижодининг шаклланиши, такомил босқичлари, асарларининг жанрий ранг-баранглиги ва мавзу миқёси масалалари ёритилган.

М.Абдулҳаким адабиётга ўтган асрнинг 70-йиллари иккинчи ярмида кириб келди. Бой ва ранг-баранг халқ оғзаки ижоди, кўп асрлик Шарқ мумтоз сўз санъати анъаналари ва рус шеърининг тажрибалари шоир адабий изланишларининг асосий омиллари бўлди. Унинг илк шеърининг тўплами **“Тиниқ тонглар”** номи билан 1982 йилда чоп этилди. Шундан кейин ижоди жанр жиҳатидан кенгайиб, мавзусига кўра бойиб ва мазмун нуқтаи назаридан теранлашиб борди.

М.Абдулҳаким ижодий мероси бадиий, илмий-оммабоп ва тадқиқот характеридаги асарлардан иборат 31 китобга жамланган. Уларнинг катта қисми шеърининг манзумалар бўлиб, оригинал ва таржима асарлардир. Шаклига кўра уларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

**Тўпламлар:** “Тиниқ тонглар” (1982), “Фасллар кўшиғи” (1984), “Қор кўшиғи” (1986), “Мавж” (1991), “Ёнимдаги дарёлар” (1993), “Қорачикдаги дунё” (1995), “Ойдинлик” (1997), “Бир кучоқ гул” (1997), “Ёлғиз япроқ” (1999), “Азизлар анжумани” (2008);

**Сайланмалар:** “Жавзо ташрифи” (2008), “Кўприк” (2009);

**Танланган асарлар:** I-II жилдлар (2017). “Сайланма” ва “Танланган асарлар” таркибидаги назм намуналари: шеърлар, достон ва туркумлардан иборат.

Шеърлари жанр жиҳатидан ранг-баранг: ғазал, тўртлик, мухаммас, мусаддас, достон, сонет ва бошқалар.

Шоирнинг эпик шеърининг маҳорати достонларида ёрқин кўринади. Улар нафақат мавзуси, тузилиши жиҳатдан ҳам фарқланади. Масалан, “Кўчки” – ижтимоий-фалсафий достон бўлса, “Жавзо арафаси” – лирик достон, “Кўприк” эса турли жанрлар синтезидан иборат тарихий достондир.

М.Абдулҳаким ижодий меросида таржима асарлар ҳам салмоқли ўрин тутади. Жумладан, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Бедил, Мунис, Огаҳий каби шоирларнинг форс тилидаги рубоий ва ғазалларидан қилган таржималари “Табаррук ташриф”, “Иймон тухфаси”, “Ялдони ёритган нур”, “Иккинчи муаллим сабоқлари”, “Ҳақ файзи”, “Таржимон талқинлари”, “Мангулик жамоли”, “Тафаккур чорраҳаларида” китобларига киритилган. Хусусан, унинг Паҳлавон Маҳмуднинг 450 дан ортиқ рубоийларини турли кўлёзма ва баёзлардан топиб таржима қилгани ва “Таржимон талқинлари” рукни остида уларни шарҳлагани муҳим аҳамиятга эга.

М.Абдулҳаким таржималари орасида А.С.Пушкин, С.Есенин, Е.Евтушенко, М.Дудин, Ў.Сулаймонов, Н.Гацунаевларнинг рус тилидан ўзбекчага ўгирилган шеърлари ҳам мавжуд бўлса-да, улар ҳозиргача тўпланиб, алоҳида мажмуа сифатида чоп этилмаган ва турли шеъррий тўпламларига ҳам бу таржималардан айрим намуналаргина киритилган.

М.Абдулҳаким меросининг алоҳида бир қисми публицистик асарлардир. Бадий ва илмий тафаккурнинг бу қоришиқ намуналари шоир иқтидорининг яна бир қиррасини – ижтимоий-маънавий масалаларга теран муносабатини, ҳозиржавоблигини намойиш этади. Мақола, эссе, тақриз, адабий ўй, суҳбат каби жанрлардаги бу манзумалар “Шарқ юлдузи”, “Тулистон” журналлари, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Қишлоқ ҳаёти”, “Хоразм ҳақиқати” газеталарида чоп этилган.

М.Абдулҳаким ҳаёт ва ижод йўли икки аср чорраҳасида, икки ижтимоий тузум – шўровий ва мустақиллик шароитида кечди. Шундан келиб чиқиб, шоирнинг ижодини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: илк изланиш, ижод сирларини эгаллаш ва шаклланиш даври (1970–1980); асарлари нашри орқали шоир сифатида танила бошлаган даври (1980–1990 йиллар (“Тиник тонглар” (1982) ва “Фасллар кўшиғи” (1984) тўпламлари); ижодий камолот даври (1991–2010).

Ушбу фаслда ҳар бир босқичнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган. Табиийки, учинчи босқич шоир ижодининг янги, юқори нуқтаси – камолот чўққиси бўлди. Меросининг асосий қисми деярли шу йилларда яратилди. Бу даврни ҳам шартли равишда 1991–2000 ва 2001–2010 йиллар тарзида иккига ажратиш мумкин.

Бундан ташқари, шоир вафотидан кейинги даврда унинг дафтарларда қолиб кетган “Юрак”, “Талабалик – олтин даврдир”, “Ростгўй шоир” сарлавҳали шеърлари ва “Дўст дўстнинг эътиқод-иймонидир”, “Менга дилдор ёр эдинг бир вақтлари” матлали ғазаллари турли нашрларда чоп этилди ва шоирнинг умумий мероси мундарижасини кенгайтди. Умуман, М.Абдулҳаким шуғулланган ҳар бир соҳа салмоғи ва аҳамиятига кўра алоҳида мустақил тадқиқотлар учун манба бўла олади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Шоир шеърлятида анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги”** деб аталади. Унда М.Абдулҳакимнинг аруз ва бармоқ вазнларидаги ижод намуналарининг етакчи белгилари, ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, қатор шеърлар таҳлилга тортилган.

М.Абдулҳаким шеърляти, аввало, мавзу қамровининг кенг ва ранг-баранглиги, жанрий таркибининг бой ва хилма-хиллиги, шаклан яхлит ва гўзаллиги, поэтик маънонинг теран ва серқирралиги, тимсолу ташбеҳларининг оҳорли ва бетакрорлиги билан ажралиб турувчи, одам ва олам баркамоллиги ғоясини тараннум этувчи шеърлятдир. Унинг илк тўпламига 34 тўрт шеър жамланган бўлиб, айрим шеърларда изланиш қийинчиликлари билан боғлиқ қусурлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, “Гужум”, “Турналар”, “Вольф Мессингни ўқиб”, “Ўртоқ ветеран” шеърларида баёнчилик, тавсифийлик, маълум фикрлар, умумий эътирофлар учрайди.

Шоир шеърляти тадрижи бу йўлдаги изланишлар босқичма-босқич такомиллашиб, ғоявий-бадий жиҳатдан мукаммаллашиб борганини кўрсатади. “Фасллар кўшиғи”, “Қор кўшиғи”, “Мавж”, “Ёнимдаги дарёлар”, “Қорачикдаги дунё”, “Ойдинлик”, “Ёлғиз япроқ” тўпламлари ва “Жавзо ташрифи”, “Кўприк” сайланмалари шундай дейишга асос бўла олади. Айниқса, фалсафий-маънавий ва рамзий-мажозий талқин, ижодий индивидуаллик, лирик қаҳрамон тасвирида ранг-баранглик ва теранликда бу яққол кўзга ташланади.

Анъанавий ишқий мавзудаги ғазалларда М.Абдулҳакимнинг теран тафаккур тарзи, устозлардан таъсирланиш, янги давр руҳи, анъанани бойитиш йўлидаги бадий изланишлари ўз аксини топган. И.Ҳаққулов таъкидлаганидек: “Таъсирланиш жараёнида ижодкор ўзида мавжуд потенциал имкониятларни ишга солиб, ижодда фавқулодда зўр натижаларга эришади”<sup>9</sup>. Атойининг “вақти бўлди” радибли 7 байтли ғазалига айна ҳажмдаги “вақти етди” радибли татаббусида шоир ўзининг буюк салафига эргашиб, ўзига хос, оригинал ғазал яратган. Ҳар иккала ғазал ҳам ишқий мавзуда бўлиб, ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида битилган. Улардаги муштарак ва фарқли жиҳатлар муаллифларнинг поэтик идрок қирраларини ёрқин ойдинлаштиради. Ғазалларнинг ифода тарзида лирик қаҳрамоннинг ёрни ташрифга таклиф оҳанги бўртиб туради:

“Кел, эй дилбарки, бўстон вақти бўлди” (Атойи),

“Буюр ташриф, гулистон вақти етди” (М.Абдулҳаким)<sup>10</sup>.

Шоир ижодининг етакчи хусусиятларидан бири рамзий-мажозий образлиқдир. Бундай образлиқ сирасида “юррак”, “кўнгил”, “кўз”, “юлдуз” каби сўзларга нисбатан кўпроқ мурожаат этилган. Улар бадий матнда оддий тушунчадан сўз образга айланади, эстетик вазифа бажаради. Бу жиҳатдан “юррак” талқинлари анча залворлидир. Шоир тасавурида юракнинг жонли хилқат сифатидаги хусусиятлари ниҳоятда кенг. Улар муаллиф идеали, бадий мақсадига кўра турлича бўлиб, ҳикматона индивидуал фикрда мужассамлашади. Жумладан, “Юрагим – ёлғиз япроқ”, “Юрагим – бўм-бўш уй”, “Муҳаббат – юрагим сири”, “Юрагим – гоҳ охудир, гоҳ шер”, “Эзгулик – юрагимнинг тенгсиз мулки”, “Юрагим – мунис кумри”, “Юракда рўз йўқдир, юракда йўқ шаб” каби.

<sup>9</sup> Ҳаққулов И. Анъана ва маҳорат / Навоий ва ижод сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 95.

<sup>10</sup> Абдулҳаким М. Танланган асарлар. Икки жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги НМИУ, 2017. – Б. 59 (Ушбу тўпландан олинган кейинги мисолларнинг жилди ва саҳифаси қавсда кўрсатилади).

М.Абдулҳаким шеърятда фалсафий-интеллектуал мазмун, мажозий образлилик *воқеа-ҳодиса* ва *кечинма* талқинидаги бетакрорликда кўринади. Бу жиҳатдан “Дарсдан сўнг” шеъри характерли бўлиб, ишда шеърнинг гоъвий-бадий хусусиятлари кенг ва чуқур ёритилган.

**“Шеърятда инсон ва ҳаёт мавзусининг бадий-фалсафий талқини”** номли иккинчи боб икки фаслни ўз ичига олади. **“Бадий идрок ва ижодий индивидуаллик”** деб номланган биринчи фаслда М.Абдулҳакимнинг поэтик тафаккур микёси, ўзига хос бадий кашф этиш маҳорати қатор шеърлари таҳлили ва уларни замондош шоирлар асарлари билан қиёслаш асосида кўрсатиб берилган.

Шоир шеърятдаги индивидуаллик ниҳоятда кенг ва серқирра. У мавзу ва жанр танлаш, сўз қўллаш, образ, пейзаж яратиш, анъанага издошлик, вазн ва композицияга муносабат, фикр ва туйғунинг ўрни, поэтика ҳамда бадиият каби сатҳларда акс этган. Бу йўналишлардаги индивидуаллик силсиласида рамзий-мажозий талқин етакчи ўрин тутади.

Маълумки, ҳозирги ўзбек шеърятда дарахтга дахлдор рамзий тасвирлар анча салмоқли. О.Матжон (“Ёнаётган дарахт”), Р.Парфи (“Сабр дарахти”), Ш.Раҳмон (“Одам дарахт”), Б.Рўзимухаммад (“Дарахт”) каби шоирлар ижодида у асосан, инсон ва юрак тимсоли бўлиб келади. М.Абдулҳаким бу қарашларга ижодий ёндашиб, уларнинг маъно қирраларини кенгайтиришга эришади. Бунга “Агава дарахти” шеъри характерли мисолдир<sup>11</sup>. Шеърда дарахт ва гул сўзлари ёнма-ён қўйилиб, ўзаро мантиқий яхлитликда, нисбий мустақил рамз сифатида алоҳида намоён бўлгани ҳолда, “гул” талқини устуворлик қилади. Шоир маҳорати шундаки, бу дарахтнинг умрида фақат бир марта гуллаб, сўнгра қуриб қолиш хусусиятидан катта ижтимоий-эстетик мазмун топа олган. Бу мазмун – *ҳаёт* ва *ўлим* фалсафаси! Шу боис шеърни шартли равишда инсон умрининг бадийлашган модели, Шодлик, Ғам, Бахт, Ўлим тўртлигини моделнинг таянч атрибутлари дейиш мумкин. Дарахт – қисқа, омонат ҳаёт тимсоли, яъни шакл рамзи, гули эса инсонни ана шу мухтасар умр давомидаги турфа интилишлари, ҳаракатлар ифодаси бўлиб, мазмунга ишорадир.

Шоирнинг ижодий индивидуаллиги “Агаванинг гули бу” сўзлари бирикмасининг ўн битта тўртликда такрорланишида ҳам кўринади. Бунда гул рамзлари маънодош сўзларнинг синонимик жуфтлиги сифатида намоён бўлади (“орзу” – “умид”, “тўй” – “тантана”, “қайғу” – “ҳасрат”, “дод” – “фарёд” ва бошқалар). Шунингдек, “шодлик ва ғам”, “висол ва ҳижрон”, “ўлмак ва тирилмак”, “ўлим ва ҳаёт” каби ўзаро қарама-қарши маъноли сўзлардан ҳам унумли фойдаланилган. Шоирнинг умр мазмуни ва унинг турли паллаларининг шахс ботини ва зоҳирига таъсири, турфа жиҳатлари хусусидаги қарашлари гулнинг таъриф-тавсифлари, сифатлари муаллиф нутқи орқали баён этилади. Унда инсон ҳамиша гўзалликдан, нафосатдан завқланишга интилиб яшайди деган фалсафий фикрга алоҳида урғу берилади

<sup>11</sup> Абдулҳаким М. Жавзо ташрифи. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 42–43 (Ушбу тўпламдан олинган кейинги мисоллар саҳифаси кавсда кўрсатилади).

ва Агава гулига шундай “завқ” тимсоли деб қаралади. Гул гўзаллигидан баҳрамандлик қаҳрамоннинг олий орзуси экан, у бу йўлдаги машаққатларга бардош беради, олға интилади. Бу жараён манзаралари ҳар бир тўртликда гул ва ҳаёт тушунчаларининг қиёси орқали тасвирланади.

М.Абдулҳакимнинг шоирона нигоҳи, бетакрор тасвир ва ифода тарзи, ижодий индивидуаллиги Ш.Раҳмон асарларига қиёс қилинганда янада ёрқин кўринади. Юксак истеъдод бу шоирлардан ҳар бирининг бетакрор бадиий оламини вужудга келтирди. Бу олам негизида *шоир шахсияти, тафаккур миқёси ва маҳорат* учлиги муносабати ёрқин мужассамлашган. “Шоир йўлини башар қалбида ловуллаган оҳ” деб билган Ш.Раҳмон ва “ниҳоятда нозик фикрлайдиган М.Абдулҳаким” (А.Орипов) шеърляти кўнгилларга фавқуллодда тез кўчган қадриятдир. Табиатан куюнчак, адолатсизликка ўта мурасасиз Ш.Раҳмон сатрларида инсон тийнатидаги балои нафс, ёвузликка нафрат чексиз ғалаёнга айланади ва шоир бу иллатни “ичингдаги хоин” деб атайди. М.Абдулҳаким талқинида инсон шаънини тубанлаштирувчи бу макр-фисқ илонга ўхшатилади. Улар ҳар бир шоирда рамзий образ даражасида бўлиб, Ш.Раҳмон услубига хос хитоб, журъатга даъват (“Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир”) қўлланилса, М.Абдулҳаким услуби учун характерли оҳанг сокинлиги, ифода вазминлигини (“Бизнинг юракларда яшарди илон”) кўрамай.

Фаслда иккала шеърнинг мазмуни, услуб жиҳатдан оригиналлиги, ҳар бир шоирга хос индивидуал ёндашув ҳар томонлама кенг ва чуқур таҳлил қилинган.

Бобнинг “**Ғоя ва поэтик образ муштараклиги**” номли иккинчи фасли шоирнинг образ, лирик қаҳрамон яратишдаги санъаткорлиги тадқиқига бағишланган.

М.Абдулҳаким ижодидаги бадиий-фалсафий талқин маҳоратининг бир қирраси поэтик образ тасвиридаги ўзига хосликда ёрқин кўринади. Бу образ асосида “борчадин шарифроқ ҳаёт гули – Инсон” (Навоий) туради. Унинг наздида Инсон – еру осмон фарзанди. У оёғи ердан узилмаган, боши осмонга интилган ҳолда яшар экан, сарҳадсиз оламнинг мўъжизаси ҳамдир. Шоир шеърларида ана шу ҳақиқатнинг қатор қирралари бўртиб кўринади. Хусусан, замон ва инсон моҳияти муаммоларидан баҳс этиш унинг ижодида салмоқли ўрин тутаяди. Образли ифода ва рамзий тасвир орқали муайян хулосалар чиқарилади. Шоир тасавурида “дунё – одамларни тинмасдан эловчи элак”:

У тинимсиз чайқалиб турар,

Чайқалиши азоб-зулмдир.

Бу элакнинг устида ҳаёт,

Бу элакнинг ости ўлимдир. (“Жавзо ташрифи”, 110)

Шоир инсонни ҳавойи идеал эмас, мураккаб характерли кучли ва ожиз хилқат сифатида тасвирлайди: юксаклигини улуғлаб, тубанлигига ачинади, лекин ундан воз кечмайди.

М.Абдулҳаким сўзни уйғотган, унинг сеҳрли оламига дадил кира олган, шахс маънавиятининг муҳим белгиси ва шеърга айланган сўзнинг “илоҳий

неъмат” (Огахий) эканини тўла англаган шоир. Зеро, у ўзини “сўз қошида хайрону лол” ҳис қилар экан, “сўзсиз ҳаётни рўё, сароб, озор”, деб билади ва:

Бизлар сўзни сотиб қўймасак басдир,

Сўз бизни сотмайди ҳеч қачон, –

дея ижодкорнинг сўз қўллашдаги масъулиятини, бадий каломнинг беқиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Бу ўринда “сўз” тушунчаси бадийлашиб, маъноси кенгайган ҳолда садоқатли, лафзли, субутли шахс образига айланган, чунки сотқинлик, хиёнат қилмаслик инсонга хос хислатлар экани яна бир бор эслатиб ўтилади. Бу ўринда жонлантириш санъати қўлланилган.

М.Абдулҳаким нарса ва ҳодисалар замиридаги пинҳона, бошқалар илғамаган жиҳатларни теран ҳис қилиб, бадий сайқал берган ҳолда, моҳирона кашф этган санъаткор шоир эди. Унинг бетақрор истеъдоди халқона тафаккур ёғдусидан таъсирланиш ва илҳомланиш билан бирга, уни индивидуал афоризмлар, пурҳикмат фикрлар билан бойитди, бадий ифодаларга фалсафий мушоҳадаларни сингдира олди. Шоир айрим асарларида халқ мақолларидаги донишмандликка монанд фикр айтишга, баъзи сўзларни қисман ўзгартирган ҳолда моҳиятни сақлашга эришади. Ақлий ва ҳиссий идрокнинг синкретик ҳосиласи бўлган халқона қарашлар шоирнинг шахсий кузатишлари ва ҳаёт ҳамда инсон феномени сабоқларидан туғилган умумлашган ибратли хулосалар бўлиб, шахс талқинининг муайян жиҳатларига боғлиқ ҳолда Ватан, инсон қадри, қаноат, ахлоқий поклик, саховат, эзгулик, садоқат, каби олижаноб фазилатлардир. “Суяниб яшаймиз ҳассага эмас, Ўзимиз қутқариб қолган Ватанга”, “Асрлар дастидан нурамас тоғлар, Тоғлар лоқайдликдан емирилади”, “Тенг егани тенг кўрар Худо”, “Кундуз туннинг ҳушёрлигидир, Гафлатидир кундузнинг оқшом”, “Душман бўлмас донога доно, Душман бўлар аҳмоққа аҳмоқ”, “Билки бахтинг нозик бир меҳмон, Қийин келиб, осон кетади”, “Бўй эгмакни мажнунтолдан, бўй чўзмокни терақдан ўрган”, “Гулнинг ҳиди жинни қилса, тикани ақлингни киритади”, “Ёлғон гап – чўнтақда тилло, ҳақиқат – юракда қўрғошин” ва бошқалар.

Умуман, Матназар Абдулҳаким талқинидаги поэтик образга оид фараҳбахш ва донишмандликка ошуфта сатрлар тобора янгилашиб, фалсафий тафаккур билан тўйиниб бораётган ҳозирги шеърятимизнинг ёркин саҳифаларидан бири сифатида эътирофга моликдир.

**“Матназар Абдулҳаким ижодида бадий публицистиканинг ўрни”** номли учинчи боб уч фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл **“Публицистик тамойил ва талқин уйғунлиги”** деб аталади. Унда муаллифнинг публицистик асарлари шакл, мазмун ва бадийлик жиҳатидан таҳлилга тортилган. У публицистиканинг қуйидаги жанрларида ижод қилган: 1) мақола, 2) эссе (адабий ўйлар), 3) адабий-суҳбат. Буларнинг барчасига хос асосий хусусият – шоирона нигоҳ, мантикий тафаккур билан образлилик уйғунлиги ҳамда шоир шахсиятининг тўла намоён бўлишидир.

Публицистик жанрлар орасида мақола етакчи ўрин тутиб, ўзбек танқидчилигида адабий-танқидий мақоланинг, асосан, портрет мақола, обзор

мақола ва муаммоли мақола<sup>12</sup> турлари кенг тарқалганини кўриш мумкин. М.Абдулҳаким ижодида ҳам мақолалар ўзига хос ўринга эга бўлиб, юқоридаги таснифга таянган ҳолда биз уларни қуйидагича гуруҳлаштирдик: а) ижтимоий мавзудаги мақолалар; б) адабий-танқидий мақолалар; в) муаммоли мақолалар; г) портрет (чизги) мақолалар; д) обзор (шарҳ) мақолалар; е) тадқиқот-мақолалар\*. Уларда бадиий-тасвирий воситалар, сўзнинг маъно эврилишлари (кўчимлар), шеърий санъатлар, халқ тилидаги ҳикмат ва ифодалар, ривоят ва афсоналар, шеърий сатрлар кўп қўлланади.

**Ижтимоий мавзудаги мақолалар.** М.Абдулҳаким мақолаларида ҳозирги давр нафаси, истиқлол имкониятлари туфайли амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, маънавият жабҳасидаги янгиланишлар таҳлилига асосий эътибор қаратилган. Муаллифнинг “Кўприк” (шу номда достони ҳам бор), “Абадият арафаси” мақолалари бу жиҳатдан характерли бўлиб, улар замон билан ҳамнафасликнинг ёрқин намунасидир. Ҳар иккала мақолада ҳам Оролбўйи ҳудудида олиб борилаётган кейинги йиллардаги бунёдкорлик ишлари, жумладан, Амударё устига қурилган поезд ўтадиган гигант кўприк, дарё ва денгиз атрофидаги экологик ҳолатни яхшилаш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар тасвирланади. Муаллиф тасвирда ўхшатиш, талмеҳ, жонлантириш каби бадиий восита ва образли ифодалардан кенг фойдаланади: кўприкни кишилар кўнглини ҳам боғловчи восита, ҳайбатли иншоот, унинг устунларини ўтмишдаги буюк сиймоларнинг боқий руҳлари деб атайди.

“Абадият арафаси” мақоласини маълум маънода “Кўприк”нинг давоми дейиш мумкин. Зеро, унда Хоразмга кўшни қорақалпоқ эли мисолида истиқлол шарофати қаламга олиниб, муаллифнинг ҳозирги янгиланиш жараёни билан боғлиқ қарашлари, ҳиссий, маънавий-фалсафий мулоҳазалари устунлик қилади. Ушбу мақолада у ўтмиш, ҳозир ва келажакни бир дарахтнинг илдизи, танаси ва меваси тарзида оҳорли ташбеҳ орқали тасвирлайди: “Ўтмиш ана шу дарахтнинг илдизлари, бугунги кунимиз ана шу дарахтнинг танаси, келажак эса унинг мевалари...”<sup>13</sup>.

**Адабий-танқидий мақолалар.** Бундай мақолаларда шоирнинг ўз ижодига ва бошқалар асарларига муносабати ўз ифодасини топади. Улардан бири “Қош азиз, кўз ҳам азиз” деб номланиб, мақолада русийзабон ўзбек адиби Комил Икромовнинг Паҳлавон Маҳмудга бағишланган “Маҳмуд канатоходец” (“Маҳмуд дорбоз”) қиссаси таҳлил этилади. Қисса ўтган асрнинг 70-йиллари бошида яратилган бўлиб, муаллиф воқеаларни замонавий мафкура андозаларига мослаштиришга, даҳрийликка мойиллик кўрсатишга мажбур бўлган. Мақолада асарнинг давр хусусиятларини қораловчи жиҳатлари кўрсатилади, шу билан биргаликда, сюжетдаги баъзи тарқоқлик, Паҳлавон Маҳмуднинг донишмандлик сиймоси етарли акс этмагани, дорбозлик мотивида сунъийлик, Саид Аловиддин ва бошқа дин

<sup>12</sup> Назаров Б. ва б. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2012. – Б. 392–399.

\* Тадқиқот-мақолалар алоҳида монографик ўрганишга лойиқлиги боис ишимизда таҳлил этилмади (Х.Ф.).

<sup>13</sup> Абдулҳаким М. Кўприк. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 12 б.

арбоблари билан муносабатлар тасвирида бирёқламалик мавжудлиги танқид қилинади, муаллифнинг Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги тарихий маълумотлардан ижодий фойдаланмагани кайд этилади. Мақола ниҳоясида М.Абдулҳаким қўйидаги холис хулосага келади: “Комил Икромов ушбу китобни ёзган йиллари кўпчилигимизнинг кайфиятимиз, дунёқарашимиз муаллифниқига монанд эди. Дунёқарашлар тубдан ўз истилоҳини топаётган ҳозирги даврда “Маҳмуд дорбоз” муаллифи ҳаёт бўлса, буюк шоиримиз сиймосини, ишонамизки, холисона ёритган бўлур эди. Шу сабабдан мазкур асар тўғрисидаги фикрларимиз муайян даражада ўзларимизнинг ҳам тавба-тазаррумиз бўлмоғи керак”<sup>14</sup>.

М.Абдулҳакимнинг адабий-танқидий мақолаларидан яна бири “Тил топишган диллар” деб аталиб, “Агахи. Избранное” тўпламидаги Огаҳий шеърларининг Р.Моран ва Н.Гребневлар томонидан амалга оширилган рус тилидаги таржималаридан баҳс этади ва табиийки, муаллифнинг таржима назарияси ва амалиётига оид қарашларини акс эттиради. Муаллиф мумтоз матнни турдош бўлмаган тилга ўгириш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ютуқ ва қусурларига холис ёндашади, ўрни билан ўз тажрибаларидан келиб чиққан хулосалари билан ўртоқлашади. Мақоланавис “таржима санъати маъно аниқлигини эмас, мазмун аниқлиги, руҳий ҳамоҳангликни “ёқтиришини” таъкидлар экан, Р.Морган бу талабга амал қилганига мисоллар келтиради. Мақолада сўзма-сўз таржима ўзини оқламаслиги, ғализликка сабаб бўлишига эътибор қаратилар экан, “шеър таржимаси ҳамиша эркин бўлишини” назарда тутган муаллиф бундай ҳолни Огаҳийнинг “Сўз” радибли ғазали таржимасида кўради<sup>15</sup>. Шунингдек, мақоладан Огаҳий туюқлари таржимасига оид қимматли фикрлар ҳам ўрин олган.

**Муаммоли мақолалар.** М.Абдулҳаким мақолалари сирасида муаммоли мақолаларнинг алоҳида ўрни бор. Уларнинг аксариятида тадқиқотчиларни ҳозиргача қизиқтириб келаётган адабий ворислик, анъана ва адабий алоқалар, жумладан, машҳур Шарқ шоир-алломалари Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуд рубойларидagi муштарақлик ва ўзига хослик, устоз ҳамда шогирдлик муносабати хусусида баҳс юритиб, муаммо ечимига доир муайян хулосалар чиқарилади.

Маълумки, Паҳлавон Маҳмуд рубойларини излаб топиш, ўрганиш ва таржима қилиш асосан ўтган асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди. Сўнгги йилларда Умар Хайёмнинг 600 дан зиёд, Паҳлавон Маҳмуднинг 450 рубойси ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилгани ҳамда уларни янги тафаккур асосида қиёсий ўрганиш имконияти кенгайгани боис бу долзарб масалага қайтиш эҳтиёжи туғилди. Бу эҳтиёжнинг нисбатан теран ва салмоқли ифодаси М.Абдулҳаким кузатишларида кўринади. “Муборак муштарақликлар, табаррук тафовутлар” мақоласининг асосий объекти Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуд рубойлари бўлиб, улар ворислик, муштарақлик

<sup>14</sup>Абдулҳаким М. Тафаккур чорраҳаларида. – Урганч: Хоразм, 2013. – Б. 334–335 (Ушбу тўпландан олинган кейинги мисоллар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

<sup>15</sup>Абдулҳаким М. Мангулик жамоли. – Хива: Маъмун академияси, 2009. – Б.120–125.

ва ўзига хослик тушунчалари учлиги асосида таҳлил этилади. “Инсон умри ўткинчи, эзгу амали боқий” ғояси ҳар икки мутафаккир шоир ақидаси мазмунининг “ўқ илдизи”га айланади. Ҳар икки донишманд одам жисми моддийлиги ҳақида ҳам ҳамфикр бўлсалар-да, мақолада “Умар Хайёмда фалсафий мулоҳазакорлик, инсоннинг бунёд бўлишидаги моддий асосларни кузатиш кучли. Паҳлавон Маҳмуд рубоийсида эса бу асос шахс, “мен”нинг фаоллиги ҳисобига, унинг ташаббускорлиги бадалига муайянлашиб, “фикр ипи” таранглашади”, – дейиш билан бу фикр янада ойдинлаштирилади (“Тафаккур чорраҳаларида”, 88–89).

**Портрет-мақолалар.** М.Абдулҳакимнинг Абдулла Орипов ижодига бағишланган “Йироқларга етаклади мени бир сурон” ва “Нур васли” сарлавҳали мақолалари портрет-мақола намуналаридир. Зеро, М.Абдулҳакимнинг А.Орипов ижодидан таъсирланиши, илҳомланиш доираси кенг қамровли бўлиб, унинг бутун ижоди – турли жанр ва мавзудаги асарларини ўз ичига олади. Жумладан, “Йироқларга етаклади мени бир сурон” мақоласида устоз шоир портретига чизгилар унинг 1966 йилда ёзилган “Сароб” шеъридаги ўша нобоп даврнинг рухий-маънавий ҳолати ва унинг муаллиф кайфиятига таъсири орқали ифодаланган бўлса, “Нур васли” мақоласида кейинги йилларда юзага келган кўтаринкилик, табиат гўзаллигидан илҳомланиш самараси А.Орипов шеъриятига хос турфа лавҳа ва туйғулар таҳлилида кўрсатилади.

“Нур васли” мақоласи М.Абдулҳакимнинг портрет-чизгилар йўналишидаги изланишларининг муайян ютуғи бўлди. Бу ҳол, биринчидан, мақола ҳажмининг нисбатан катталиги, иккинчидан, ундаги фикрларнинг кўп қиррали, кўламдорлиги билан ўз тасдиғини топади. Зеро, бу кўламдорлик марказида А.Ориповнинг табиат куйчиси, баҳор гўзаллигининг шайдоси сифатидаги портрети тасвири туради. Бу тасвирда ижодкорнинг инсон ва табиатга муносабати талқинида иккита хусусиятни кўрамиз: 1) табиатнинг мафтункор гўзаллигининг муайян лавҳа ва назмий ифодаларда суратланиши; 2) уларнинг инсон шахси, руҳиятидаги эврилишларда ўрни. Бу чизгиларнинг ўзаро поэтик синтези шоир сиймосини яхлит гавдалантиради<sup>16</sup>. Фаслда, шунингдек, А.Ориповнинг сўз қўллаш, унинг маъно нозикликларидан моҳирона фойдаланиш салоҳиятига оид маҳорати ҳам ўрин ажратилган.

